

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

СУЛТОНОВ ОЙБЕК СУЛТОНБОЕВИЧ

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Султонов Ойбек Султонбоевич

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини
такомиллаштириш.....3

Sultonov Oybek Sultonboyevich

Improvement of preventive activities of preliminary investigation bodies.....25

Султонов Ойбек Султонбоевич

Совершенствование профилактической деятельности органов предварительного
следствия.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ**

СУЛТОНОВ ОЙБЕК СУЛТОНБОЕВИЧ

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 - Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Yu802 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Рахимов Фахри Хайдарович юримдик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Миразов Даврон Мирагзамович юримдик фанлар доктори, профессор Салаев Нодирбек Сапарбаевич юримдик фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Бош прокуратура Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 25 январь куни соат 15.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Бош прокуратура Академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz)

Диссертация автореферати 2023 йил 12 январда тарқатилди.

(2023 йил 12 январдаги 20-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х. Пўлатов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
юримдик фанлар доктори, профессор

Л.Х. Исоқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби,
юримдик фанлар доктори (DSc), доцент

С.М. Рахмонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,
юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятлар профилактикаси бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш долзарб масалаларидан бири саналади. Шу сабабли жиноятчилик профилактикаси барча интилаётган долзарб ва ўта муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Зеро жиноятчилик олди олинмаса ёки профилактика чоралари кўрилмаса охир оқибат у жамият учун катта муаммоларга олиб келиши муқаррарлиги барчага аён. Бинобарин, агарда ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг самарали профилактикаси амалга оширилса, ҳуқуқбузарликнинг олди вақтида тезкор равишда олинса аҳоли хавфсизлиги ва жамиятда қонун устуворлиги ўрнатилишига эришилади.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, унинг самарадорлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш чоралари тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган ҳудуд ва шахсларни барвақт аниқлаш ва уларга нисбатан профилактик таъсирни ўтказиш борасида тизимли муаммоларнинг мавжудлигини инобатга олиниб, ваколатли органларнинг профилактик фаолияти бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда дунё давлатлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, трансчегаравий, трансмиллий жиноятларни олдини олишга оид халқаро нормаларнинг миллий қонунчилик билан ўзаро уйғунлаштириш, давлатларда жиноятлар профилактикасининг янги механизмини яратиш ва унинг самарадорлигини таъминлашнинг самарали илмий-назарий ва амалий ечимини топиш ҳамда илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланмоқда.

Юқорида қайд этилганлар билан бир қаторда, танланган мавзунинг долзарблиги қуйидаги ҳолатлар билан ҳам изоҳланади:

биринчидан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 16-мақсад сифатида «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш» белгиланган¹лиги дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга оширишга оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг комплекс тартибда ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Прокуратура тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016), «Давлат хавфсизлик химати тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январь кундаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/5841063>

эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020), «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги (2022) фармонлари ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

учинчидан, бугунги кунда ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиб бораётганлиги, жиноят содир этишда янги усул ва воситаларнинг яратилаётганлиги жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ҳам четлаб ўтмаган. Бу эса, ўз навбатида, қонун ҳужжатларини жамият ривожланишига монанд равишда янгилаб боришни, амалиётда қонунийликни таъминлаш учун қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиб боришни талаб қилмоқда;

тўртинчидан, **жиноятчиликнинг умумий аҳволи** Республика ҳудудида **2020 йилда 62.081 та, 2021 йилда 111.082 та ҳамда жорий йилнинг 8 ойида 64.079 та** жиноятлар рўйхатга олинди, жиноятлар йилдан йилга ошган. Ушбу йўналишда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ўзининг етарли самарасини бермаяпти.

бешинчидан, **олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг алоҳида турлари** (*қотиллик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, қасддан баданган ўртача оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўғрилик, транспорт воситасини олиб қочиш, транспорт воситалари ҳаракати қоидаларини бузиш, безорилик*) бўйича Республика миқёсида **2020 йилда** жами 41.087 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 120,7 тани, **2021 йилда** 78.193 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 226,3 тани, **2022 йил 8 ойида** 38.491 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 109,1 тани ташкил қилган.

олтинчидан, **аниқланадиган жиноятларнинг алоҳида турлари** (*қўшимачилик, одам савдоси, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш, қалбаки пул, акциз маркаси ясаш, ноқонуний валюта айрибошлаш, электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, порахўрлик, гиёҳвандлик ва ўқотар қўролларни ноқонуний эгаллаш*) бўйича Республика миқёсида **2020 йилда** 20.994 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 61,7 тани, **2021 йилда** 32.889 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 95,2 тани, **2022 йилнинг 8 ойида** 25.588 та ёки ҳар 100 минг аҳоли сонига нисбатан 72,5 тани² ташкил этган.

еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-моддасига мувофиқ **дастлабки тергов органлари иш қўзғатилгандан кейин узоққа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик чоралар кўриш лозимлиги тўғрисидаги муҳим процессуал қонуннинг етарли даражада ишламаётганлиги**, жумладан Бош прокуратуранинг коррупцияга қарши

² Ўзбекистон Республикаси жиноятчилик аҳволи. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси даврий ахборот нашри. – Т.: Бош прокуратураси Академияси, 2021. –Б-3.10.

курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармасининг 2017-2022 йиллардаги ҳисоботлари³га кўра:

бюджет ва кредит маблағларининг талон-торож қилиниши ва мансаб суиистеъмолчилиги билан боғлиқ жиноятлар бўйича **2017 йилда** банк раҳбарларига нисбатан 100 та жиноят иши бўйича 174 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 17 та жиноят иши бўйича 21 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 65 та жиноят иши бўйича 82 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган;

худди шу кўрсаткич **2018 йилда** банк раҳбарларига нисбатан 68 та жиноят иши бўйича 116 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 20 та жиноят иши бўйича 34 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 19 та жиноят иши бўйича 19 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган;

2019 йилда банк раҳбарларига нисбатан 52 та жиноят иши бўйича 56 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 23 та жиноят иши бўйича 27 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 10 та жиноят иши бўйича 10 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган;

2020 йилда банк раҳбарларига нисбатан 70 та жиноят иши бўйича 81 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 22 та жиноят иши бўйича 24 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 23 та жиноят иши бўйича 24 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган;

2021 йилда банк раҳбарларига нисбатан 165 та жиноят иши бўйича 144 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 34 та жиноят иши бўйича 24 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 76 та жиноят иши бўйича 28 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган;

2022 йил 10 ойда банк раҳбарларига нисбатан 236 та жиноят иши бўйича 424 нафар мансабдор шахс, Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси ходимларига нисбатан 36 та жиноят иши бўйича 61 нафар мансабдор шахс, ҳоким ва унинг ўринбосарларига нисбатан 138 та жиноят иши бўйича 190 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилган.

сакқизинчидан, 2018-2021 йиллар ҳамда 2022 йилнинг 11 ойида илгари судланганлар томонидан қайта содир этилган жиноятлар **2018 йилда** 4 840, **2019 йилда** 4 182, **2020 йилда** 5 811, 2021 йилда 9 724 ҳамда 2022 йилнинг 11 ойида 10 031 тани ташкил қилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш каби асосий вазибаларининг иш фаолияти қониқарли даражада ишламаётганлиги;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297-моддаси дастлабки тергов органлари жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармасининг 2017-2022 йиллик ҳисоботлари.

шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича аниқ чораларни лозим даражада кўрмаётганлиги⁴ билан мазкур мавзунинг долзарблиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ва ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти, унинг ҳуқуқий тартибга солиниши, амлга оширилиши муаммолари ва ечимлари олимлар ва амалиётчилар томонида муайян даражада тадқиқ этилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан жиноятларни олдини олишнинг жиноий-ҳуқуқий, криминологик, жиноят-процессуал, криминалистик жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Г. Абдумажидов, Қ.Р. Абдурасулова, З.А. Амиров, М.Дж. Ботаев, З.С. Зарипов, М.З. Зиёдуллаев, Р.А. Зуфаров, Ж.А. Иброҳимов, З.Ф. Иноғомжонова, А.Т. Исаходжаев, И. Исмаилов, Д.Г. Камолова, В.Г. Каримов, Д.Э. Каримова, М.Ю. Кержнер, Э. Қодиров, Б.И. Латипов, Қ.Қ. Маткаримов, Д.М. Миразов, И.М. Мирзараимов, Ж.А. Неъматов, А.А. Ортиқов, Б.Х. Пўлатов, Ф.Х. Рахимов, А.Х. Раҳмонқулов, М.Х. Рустамбоев, Б.А. Саидов, Қ.А. Саитқулов, Н.С. Салаев, Г.П. Сарқисянц, М. Собиров, Т. Таджиев, Ф. Тоҳиров, Г.З. Тўлаганова, Д.Р. Тураева, У.А. Тухташева, Н.И. Хайриев, С.Б. Хўжақулов, Б.И. Эгамбердиев, А.С. Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида таҳлил этилган⁵.

Хусусан, С.Б. Хўжақулов ўзининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштиришни ички ишлар органлари мисолида кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусияти бўйича криминологик ва виқтимологик профилактикага, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусияти бўйича умумий ва яқка тартибдаги профилактикага ажратиш асосланган ҳамда миллий гвардия, судлар ва оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимига киритиш асослаб берилган.

Шу каби, Б.И. Эгамбердиевнинг ўзининг ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш масалаларига оид диссертациясида Ўзбекистонни ишчи кучини етказиб берувчи йирик мамлакат сифатида баҳоланиши, келгусида ноқонуний миграцияга қарши курашиш, дискриминация ҳолатини минималлаштириш ҳамда мигрантлар билан боғлиқ жиноятчиликни олдини олишга қаратилган долзарб вазифалар таҳлил қилиниб, асосий эътиборни жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорликка қаратади

⁴ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармасининг 2017-2022 йиллардаги “Тергов жараёнида жиноятнинг туб сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф қилиш, шунингдек, суриштирув ва дастлабки тергови тўхтатилган жиноят ишлари юзасидан тергов ва тезкор-қидирув тадбирларининг тўлиқлиги, қонунийлиги ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳолини ўрганиш натижалари юзасидан” Умумлаштириш маълумотлари.

⁵ Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ва уни қуйидаги тўрт даражада амалга оширилиши кўрсатган, жумладан а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорлик. Бундан кўзланган асосий мақсад эса соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда улар билан бошқа давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги самарали ҳамкорликни таъминлашдан иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

Б.И. Латиповнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича диссертациясида жиноятчиликни олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳамкорлиги ва шериклик қилиши муҳим жиҳат ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш вазифалари назарий ва илмий таҳлил қилинган.

Д.Э. Каримова ўзининг юридик фанлар бўйича фалсафа доктори диссертациясида жиноятларни олдини олиш борасида терговчининг жиноят қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлиги масалаларига, ҳамкорликни жиноят-процессуал ва тезкор-қидирув жиҳатдан тартибга солишнинг ўзаро нисбатини ўрганиш, шунингдек терговчининг процессуал фаолияти билан жиноят қидирув бўлинмаларининг тезкор-қидирув функцияларини уйғунлаштириш зарурлигини асослаб берилган.

Қ.А.Сайткулов ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчасининг моҳиятини ўрганиб, унинг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси билан боғлиқ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва илмий ҳулосаларни асослантирган, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг назарий жиҳатларини ўрганиб, илмий таҳлил қилган, ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси соҳасида ички ишлар органлари ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш орқали ўрганилаётган мавзуга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, уларнинг ижобий жиҳатларини ички ишлар органларининг амалиётига жорий этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиққан⁶.

МДХ давлатлари олимларидан Л.С.Аистова, В.П.Верин, Б.В.Волженкин, А.И.Долгова, Ю.А.Ежов, А.Э.Жалинский, А.Н.Игнатова, Ю.А.Красиков, Н.Н.Кондрашков, С.Коровинских, А.Г.Корчаген, Ю.П.Кравец, В.В.Ларичев, В.М.Лебедева, Н.А.Лопашенко, В.Минская, С.С.Нестерова, А.И.Рарог, Ю.И.Скуратова, В.В.Толкачев, В.И.Тюнин, Т.Устинов, А.И.Фабричный, Е.А.Фролов, А.Н.Шабунина, И.В.Шишко, О.Ф.Шишова, А.В.Щербаковлар ва бошқаларнинг илмий ишларида алоҳида олинган ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олишнинг жинойий-ҳуқуқий ва воситалари умумий жиноятчиликка қарши кураш жараёнининг таркибий қисми сифатида таҳлил қилинган.

Жиноятларнинг олдини олишда тергов бўлинмаларининг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар хориж

⁶ Мазкур ва бошқа олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

олимларидан G.Bekker, B.Trevor, R.Klerk, F.Markus ва D.Rozenbaumлар томонидан ўтказилган бўлиб, уларнинг илмий ишларида жиноятларни профилактика қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги долзарб масалалар таҳлил қилиб берилган.

Шу ўринда олимлардан А.Н.Александров, Л.В.Коваленко, Ю.С.Жариков, В.Л.Смешковалар бевосита тергов органларининг ҳамда терговчининг профилактик функцияларига бағишланган махсус диссертацион илмий-тадқиқот ишларини амалга оширилганлигини таъкидлаш зарур бўлиб, мазкур илмий ишларда тергов бўлинмаларининг профилактик фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жиноят-процессуал функциясининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилган. Бирок, юқорида келтирилган олимларнинг ишлари фақатгина айрим турдаги жиноятлар ёки жиноят процессининг муайян босқичида жиноятларни олдини олиш фаолиятини тадқиқ этишга бағишланган. Шу билан бирга мамлакатимизда дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2019-2022 йилларга мўлжалланган «Жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб йўналишлари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш, бу борада прокурор назоратини янада кучайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органлари профилактик фаолиятининг моҳияти ва ижтимоий заруриятини ўрганиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органлари профилактик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши босқичларини тадқиқ этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил этиш;

хориж мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг профилактик фаолиятини амалга ошириши бўйича тажрибаси ўрганиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга ошириш шакллари ва услубларини ўрганиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг процессуал ва криминалистик жиҳатларини тадқиқ этиш;

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти устидан прокурор назоратининг хусусиятларини ўрганиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар субъекти бўлган дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини ташкил этилиши ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти, уни ташкил этилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида илмий билишнинг умумий (мантиқийлик, дедукция, индукция, таҳлил, қиёслаш, моделлаштириш, таҳлил, синтез, умумлаштириш, кузатиш), хусусий (таркибий-функциявий, функциявий, статистик, психологик, тарихий) ва махсус-соҳавий (қиёсий-ҳуқуқий, жиноят ишларининг таҳлили, социологик сўров) каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга оширишда жиноят сабаблари ва унинг келиб чиқишига имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида масъул давлат органларига тақдимномалар киритишни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган;

содир этилган жиноят сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилган;

тергов ва суриштирув ходимларининг жиноятларни ўз вақтида фош этиш, қонуний, адолатли ва холис тергов қилишдаги ролини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва тергов қилишнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, ўз касбий маҳоратини мақсадли ва мунтазам равишда ошириб боришга йўналтириш ҳамда ходимларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган ҳиссаси учун муносиб рағбатлантириш мақсадида махсус малака даражасини белгилаш мезонлари ва уни бериш тартибига оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

Қуролли кучлар, давлат хавфсизлиги ва божхона органларида жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда бу борада уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан Бош прокурорнинг буйруқларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги кўрсатиб берилган;

дастлабки тергов органларида жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилишнинг мақсадига аниқлик киритиш орқали бу соҳадаги ҳаракатларни аниқлаштириш ва тизимлаштиришга оид жиноят-процессуал қонунчиликнинг масхус бобининг номланиши ва моддаси янги таҳрирда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини умумдавлат ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига мослаштириш ва унинг таркибий қисмига айлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши зарурлиги асослантирилган;

дастлабки тергов органлари томонидан жиноятларнинг профилактикасига қаратилган чора-тадбирларни ўтказиш, жумладан уларга тайёргарлик кўриш, ташкиллаштириш ва расмийлаштириш тартиби асослантирилган;

амалдаги қонунчиликни «дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти», «профилактик фаолиятнинг мақсади», «профилактик фаолиятнинг субъектлари», «профилактик фаолиятнинг объектлари» тушунчалари билан кенгайтиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида жиноят сабаблари ва уни содир этишга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларнинг ягона базасини шакллантириш учун ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон» маълумот базасини кенгайтириш ва янги «Тақдимнома» маълумот базасини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқилган;

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг амалга ошириш алгоритми шакллантирилган;

жиноятларнинг умумий ва махсус профилактикаси доирасида амалга ошириладиган ижтимоий-ҳуқуқий ва социологик чораларни дастлабки тергов органларининг ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш фаолиятида асосий воситалар деб ҳисоблаш ва уларни жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш кераклигига доир тегишли таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шакллари асосланганлиги, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Бундан ташқари, хулосалар 5244 нафар тергов ва прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, дастлабки тергов органларининг 2019-2022 йиллардаги профилактик фаолиятига доир статистик маълумотлар, дастлабки тергов органлари томонидан тергов қилинган юздан ортик жиноят ишлари таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқотчининг прокуратура органларидаги терговчи ва катта терговчи лавозимларида хизмат қилган амалиёти материалларидан фойдаланилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур диссертация натижасида шакллантирилган хулоса, тавсия ва таклифлардан дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг назарий асосларини мустаҳкамлашда, қонун ҳужжатларини шарҳлашда, қонун ижодкорлиги жараёнида, шунингдек «Прокурор назорати» ва «Дастлабки тергов ва криминалистика» фанларини илмий-назарий бойитишда, қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва таклифларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий қилиниши натижасида мамлакатимизда дастлабки тергов органлари томонидан профилактик фаолиятни амалга ошириш самарадорлигини оширишда, жиноятларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлигида акс этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дастлабки тергов органларининг жиноятларни профилактикаси фаолиятига оид назарий-ҳуқуқий билимларни ривожлантириш ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга оширишда жиноят сабаблари ва унинг келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида масъул давлат органларига тақдимномалар киритиш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, ДХХ, Олий суд, Давлат божхона қўмитаси раислари ва ИИВнинг «Жиноят иши юритиш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қўшма кўрсатмасининг 13-банди шакллантирилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2022 йил 2 декабрдаги 27/2-312-22-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши дастлабки тергов органлари томонидан иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича Тақдимномаларни киритишда ошкор этилмайдиган ҳолатларни инобатга олиши, жумладан: давлат сирлари мавжуд бўлган ёки махфийлик даражаси берилган жиноят ишлари бўйича давлат сирлари ошкор қилиниши ёхуд махфийлик қоидалари бузилишига, жинсий эркинликка қарши жиноятлар бўйича жабрланувчининг шахси ва яшаш жойи ошкор қилинишига ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларнинг ошкор қилинишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилди. Бу билан, дастлабки тергов органлари ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишининг туб сабаблари аниқлаш ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тизимига янгича ёндашувни шакллантириш, бунда терговчи фақатгина тегишли ташкилотга тақдимнома киритиш билан чекланиб қолмасдан, жиноятлар сабаблари

ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, давлат сирларини ошкор этилишини олдини олишга оид профилактик тадбирларни адолатли ташкиллаштирилишини йўлга қўйишга хизмат қилмоқда;

худди шунингдек, содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш механизмлари ва тартиблари ишлаб чиқилиб, қонуности нормаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-банди шакллантирилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармасининг 2022 йил 2 декабрдаги 12-15-15-сон маълумотномаси*). Мазкур механизм ва тартибларни жорий этиш орқали, жиноят ишлари муҳокамасида ошкор этилиши ҳамда муҳокама қилинишига йўл қўйилмайдиган маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Тергов ва суриштирув ходимларининг жиноятларни ўз вақтида фош этиш, қонуний, адолатли ва холис тергов қилишдаги ролини янада ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва тергов қилишнинг илғор тажрибасини оммалаштириш, ўз касбий маҳоратини мақсадли ва мунтазам равишда ошириб боришга йўналтириш ҳамда ходимларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган ҳиссаси учун муносиб рағбатлантириш мақсадида, махсус малака даражасини белгилаш мезонлари ва уни бериш тартибига оид ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 сентябрдаги 727-сон билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди 4-хатбошиси шакллантирилган (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 12-15-16-сон маълумотномаси*). Мазкур мезон ва тартибларни жорий этиш орқали, тергов ва суриштирув ходимлари томонидан терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов ишларининг юритилиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек ўз фаолиятига оид бошқа вазифаларни бажаришнинг сифати ва ҳажмини баҳолаш ва ушбу соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мумкинлиги асослаб берилган;

Қуролли Кучлар, давлат хавфсизлиги ва божхона органларида жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда бу борада уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан Бош прокурорнинг буйруқларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бўйича ишлаб чиқилган таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Куролли Кучлар, ДХХ ва божхона органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги буйруғи билан тасдиқланган Низомнинг 7-банди 5-хатбошиси шакллантирилган (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ташкилий-назорат ва таҳлилот бошқармасининг 2022 йил 2 декабрдаги 7/09-37-22-сон маълумотномаси*). Мазкур таклифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини ҳамда яқин ҳамкорлигини ва уюшган ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирилишига, шу жумладан бу борада кўрилатган чораларни баҳолашига, мониторинг қилинишига ва уларнинг самарадорлигини оширилишига, тизимли камчиликлар юзага келишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар аниқланишига, таҳлил қилинишига ҳамда уларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштирилиши йўли билан бартараф этилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 2 та монография ҳамда 12 та илмий иш, шу жумладан 5 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда), 7 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Дастлабки тергов органлари профилактик фаолиятининг назарий-ҳуқуқий таҳлили”** деб номланган биринчи бобида дастлабки тергов органлари профилактик фаолиятининг моҳияти ва ижтимоий зарурияти, шаклланиши ва ривожланиши, ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда профилактик фаолиятни амалга оширилиши бўйича халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси тадқиқ этилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида келтирилган жиноят процессининг вазифалари қаторида жиноят

ишларини юритиш жиноятларнинг олдини олишга қаратилганлигига урғу бериб, бу ҳуқуқий қоида жиноят ишини юритишга масъул бўлган дастлабки тергов органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширилишининг энг муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилишини, улар бевосита давлат ва жамият ҳаётида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни аниқлаш, тўхтатиш ва барҳам бериш ваколатига эгаллигини ва шу нуқтаи назардан дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти жиноят процессининг муҳим институтларидан бири бўлиб, жиноят процессуал қонунга асосланиши ва у билан тартибга солиниши таъкидлаб ўтган.

Бу борада тадқиқот давомида 5 минг нафарга яқин прокурор-тергов ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномада 49 фоиз респондентлар **терговчи** - жиноятларни олдини олиш ва профилактика қилишда асосий маъсул шахс сифатида қарашиб, диссертантнинг фикрларини маъқуллашган.

Шунингдек, муаллиф дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган профилактик фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ягона ижтимоий жараённинг таркибий қисми ҳисобланиши назариясини қўллаб-қувватлаган ҳолда, дастлабки тергов органларининг ЖПКда белгиланган жиноят ишларини юритиш қоидаларига қатъий риоя қилишдан иборат процессуал табиатидан келиб чиқиши ҳақида фикр билдирган.

Диссертант ушбу бобда дастлабки тергов органлари томонидан амалга ошириладиган профилактика фаолияти ҳақида ҳуқуқшунос олимлар томонидан билдирилган илмий фикрларни таҳлил қилгани ҳолда, мазкур фаолиятнинг моҳиятини кўрсатувчи қуйидаги белгиларини ажратган: жумладан, жиноят-процессуал профилактика фаолиятини амалга оширувчи субъектлар доираси, профилактик таъсир кўрсатиш объектлари (соҳалари), амалга ошириш чегаралари ва вақти, профилактика фаолиятининг вазифалари ва унинг ҳуқуқий асоси, профилактика фаолиятини амалга ошириш усуллари (чоралари) йиғиндиси ҳамда профилактика фаолиятининг давлат ҳокимият хусусиятлари.

Ишда муаллиф дастлабки тергов органларини фақат жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган ҳоллардагина профилактик фаолиятнинг субъекти бўлиши мумкинлигини, уларнинг профилактик фаолияти сифатли амалга оширилиши, жиноятларни очиш ва тергов қилишга кетадиган куч ва воситалар сарфи ҳам шунчалик камайишини илмий тасдиқлаган.

Дастлабки тергов органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятининг моҳияти сифатида - жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ва шу билан суриштирув ва дастлабки терговнинг умумий ижтимоий профилактика фаолиятини амалга ошириш, суриштирув ва тергов давомида аниқланган, жиноятлар содир этилишга имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш ва баратараф этиш, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш, ҳуқуқни муҳофаза қилишга жамоат ташкилотлари ва давлат органларини жалб қилиш ҳамда жиноят содир этган шахсларга таъсир қилиш орқали уларнинг янги жиноят содир этишига йўл қўймаслик бўйича хулосага келинган.

Тадқиқот давомида диссертант **“дастлабки тергов органларининг профилактик фаолияти** – жиноят иши юзасидан дастлабки тергов жараёнида ваколатли субъектлар томонидан амалга ошириладиган, жиноят сабаблари,

унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этишига, шунингдек, бошқа жиноятларни (ҳуқуқбузарликларни) жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган воситалар ёрдамида олдини олишига қаратилган давлат-ҳокимият фаолияти” - дея муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Мазкур бобнинг 2-параграфида жиноят ишларини тергов қилишда тергов бўлинмалари профилактик фаолиятининг қонунчилик асослари шаклланиши тарихини таҳлил қилиниб, мазкур фаолиятни амалга оширишда субъектларнинг ҳуқуқий мақоми давлат бошқаруви органлари тизимида қайта кўриб чиқилиб, давлат бошқаруви тизимининг ривожланиши ва сиёсий ислохотлар асосида ўзгартириб келинганлиги, ўтмишда жиноятчиликка қарши курашда профилактика фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар алоҳида ишлаб чиқилмасдан, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги сиёсатининг таркибий қисмини ташкил қилиб, ушбу сиёсатнинг бошқа таркибий қисмлари (ижтимоий, диний, иқтисодий нормалар) билан бирга амалга оширилиб келинганлиги, мамлакатимизда XIX асрнинг охирида жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи махсус субъект – терговчи (суд терговчиси) лавозими жорий қилиниб, унинг асосий вазифаларидан бири айнан жиноятчиликка қарши кураш жараёнида терговни олиб боришда жиноятларни қайта содир этилишига йўл қўймаслик чораларини кўришдан иборат бўлганлиги ҳақида ретроспектив фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Мазкур бобнинг 3-параграфида дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини ҳуқуқий асослари ёритилиб, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг миқёси, юридик кучи ва уларни қабул қилувчи субъектларнинг ваколат доирасига қараб таснифланиши кераклигини асослаб, таснифларни халқаро, конституциявий, давлат раҳбарининг ҳужжатлари, жиноят-процессуал нормалар, профилактик қонунлар, Олий суднинг Пленум қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва низомлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қўшма ва идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларига ажратилган.

Шу мақсадда, муаллиф ЖПКнинг 36-бобнинг моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифини илгари сурган.

Ушбу бобнинг 4-параграфида муаллиф профилактик фаолиятни амалга оширилиши бўйича халқаро стандартлар ва хориж тажрибаси эътиборини қаратиб, БМТ ва унинг махсус органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятига доир стандартлар ҳамда халқаро шартномаларни таҳлил қилган.

Ўрганишлар натижасига кўра, БМТ ва халқаро шартномаларнинг талабларини миллий амалиётга, шу жумладан дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятига татбиқ этишда муаммолар мавжудлиги ва уларни тўлақонли ишламаётганлиги оқибатида дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг янгича самарали механизмларининг амалиётга кириб келишида жиддий тўсиқ бўлаётганлиги билан изоҳланган.

Диссертациянинг **«Дастлабки тергов органлари профилактик фаолиятининг хусусиятлари ва унинг таҳлили»** деб номланган II бобида

дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятини амалга ошириш шакллари ва услублари, процессуал ва криминалистик жихатлари ҳамда профилактик фаолияти устидан прокурор назоратининг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Диссертант тадқиқот давомида тергов органларининг профилактик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиб, унинг мазмунини кенг ва тор маъноларида ўрганган ва шу аснода тергов органларининг профилактик фаолиятининг шаклларини қамрови (қўлами) ва ҳуқуқий (процессуал) тартибга солиниши бўйича таснифлаган.

Тергов органларининг профилактик фаолиятининг қамрови (қўлами) бўйича **умумий** ва **махсус** профилактика шаклларига ажратган бўлса, ҳуқуқий (процессуал) тартибга солиниши бўйича **процессуал** ва **нопроцессуал** шакллари бўлиниши кераклилиги ҳақида фикр билдирган.

Шунингдек, тергов органлари томонидан жиноят иши бўйича киритиладиган тақдимномаларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида унинг тузилиш шаклини уч қисмга, яъни *қириш*, *тавсиф-асослантириш* ва *хулоса-резюлютивга* ажратиб, ҳар бир қисм бўйича алоҳида изох берган ва намунавий тақдимнома шаклини ишлаб чиқиб, диссертацияга илова қилган. Шунингдек, ушбу намунавий тақдимнома ҳозирда барча даражадаги суриштирув ва тергов органлари томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Ҳозирда жиноят иши бўйича киритилган тақдимнома устидан шикоят қилишнинг процессуал тартиби мавжуд эмас, шу сабабли муаллиф тақдимноманинг хулоса-резюлютив қисмида тақдимнома устидан шикоят қилиш тартибини қисқача баён қилиш кераклиги ҳақида таклиф қилиб, ушбу нормани ЖПКнинг 299-моддасига тергов бўлинмаси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга терговчининг киритган тақдимномаси устидан шикоят қилиш мумкин деган қонидани киритишни таклиф қилган.

Шу билан бирга, диссертант алоҳида эътиборни профилактик фаолиятнинг нопроцессуал шаклига қаратиб, мазкур шаклнинг жамоатчилик билан биргаликда олиб борилиши, мансабдор шахслар билан суҳбатлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва интернет тармоқларидан унумли фойдаланиш жихатларига урғу бериб, нисбатан самарали шакл сифатида эътироф этган.

Дастлабки тергов органларининг профилактик фаолиятининг учта услуби жиноятнинг сабаблари ва уни содир қилинишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф қилиш ҳамда олдини олиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш кабиларга ажратилган.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги «Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида»ги 129-сонли буйруғини ўрганиб, дастлабки тергов ва терговга қадар текширув ҳаракатларини олиб боришда хизмат текширувларини тайинлаш ва ўтказилиши ҳақидаги нормалар гарчанд фақат идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинсада, унинг хулосалари

бўйича тергов органи расмий қарор қабул қилиб муносабат билдириши ЖПКга зид эканлигини тушунтирган.

Шу сабабли, диссертант амалдаги ЖПКга хизмат текширувини ўтказиш тартиби билан боғлиқ махсус нормани киритишни таклиф қилган. Муаллифнинг ушбу фикри сўровномада қатнашган 5 минг нафар прокурор-тергов ходимларининг 51 фоизи томонидан маъқулланган.

Муаллиф «Хизмат текшируви» институти ҳақида фикрини давом эттириб, ушбу институтини қўллаш натижасида 3 та асосий босқичда профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши, яъни **бирламчи профилактика** ҳуқуққа хилоф ҳуқ-атвор шаклланган муҳитни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан яхшилаш, **асосий профилактика** ҳуқуқбузарлик содир қилинишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда «хавф гуруҳи»га мансуб факторларга таъсир этишга қаратилган хавфсизлик чораларини кўриш ҳамда **яқуний профилактика** ҳуқуқбузарлик содир қилган шахс билан унда қонунга итоаткор ҳуқ-атворни шакллантириш борасида олиб бориладиган индивидуал профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилишини таъкидлаган.

Диссертант прокурор назоратининг муҳим йўналишлари қаторига «дастлабки тергов органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш»ни киритишни лозим топган.

Муаллиф дастлабки тергов органларининг профилактика фаолиятини амалга оширишда тезкор-қидирув органлари билан ҳамкорлик лозим даражада йўлга қўйилмаганлигини муаммо сифатида қайд этиб, бу борада амалга оширилган ишларни прокурор назорати орқали ўрганиб, мувофиқлаштириб бориш таклифини киритган.

